



МАНАЛЛА

Ўзбекистон "МАХАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 72-73 (204-205)

2000 йил 4 октябрь, чоршанба

Газета 1996 йил январь ойдан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОНГА ХУШ КЕЛДИНГ, ОЛИМПИА ОЛТИН МЕДАЛИ!



Сиднейда бўлиб ўтган XXVII олимпия ўйинлари ҳам тарих китобига битилди. Ушбу тарихда шубҳасиз Ўзбекистон номи ҳам зарҳал ҳарфларда қайд этилишини бугун ҳар бир ўзбекистонлик фахр билан қайта-қайта такрорлайди, қалбдан севишиб, бир-бирини қутлайди. Сиднейда олимпия ўйинларининг ёпилиш маросимини кузатар эканмиз, спорт майдони гўёки дунё харитасини эслатди. Чунки унда бутун дунёнинг машҳур спортчилари худди сайроҳдаги-дек яйраб юришарди.

Ушбу дунё харитасига тикилганда, жонахон Ўзбекистонни ахтарамиз. Шубҳасиз, Ўзбекистон ҳам шу ерда, яъни юртимизнинг ўнлаб спортчилари дунёнинг машҳур спортчилари даражасида эркин, бемалол, қаллари тик ҳолда ўз қувончларини дунёга кўз-кўз қилиб яйраб юришарди. Гарчанд дунё харитаси (албатта уша спорт майдони) олдидан телеэкранимиз жуда кичкина ҳажмда бўлса-да, биз буни бағриб катта бир қониқиш билан ҳис этар эдик. У ерда бизнинг олимпия чемпиономиз, совриндорларимиз ва бошқа спо-

ртчиларимиз бизни дунёга танитиб турган эди.

Ушбу спорт анжуманида 199 мамлакат қатнашган бўлса, шулардан бири Ўзбекистон эди. Таъсирчан қилинган, биз атиги 9 йилдан ортқроқ мустақил яшаётимиз. Аммо юзлаб йиллар ўз эрки билан яшаб келган мамлакат спортчиларидан, шунингдек дунёга ўз шон-шухрати билан танилган баъзи мамлакатлардан ҳам, юқоридагиларни эгаллаш ҳеч шубҳасиз фахрлиниш учун минг бора арзигулик воқеадир. Ўзбекистон бу мусобақаларда 41 ўринни эгаллади. Хўш, бу муваф-

фақиятми ёки... Албатта эндигина буй кўрсатган мамлакатнинг 158 мамлакатни орта қолдириши, энг оммавий спорт турларидан бири — бокс бўйича фақатгина Куба, Россия, Қозоғистон мамлакатларидан кейин тўртинчи бўлиши шубҳасиз бу туйғуларимизни тасдиқлайди.

Олимпия чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевни биринчилардан бўлиб, мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов чин дилдан қутлар экан, бутун мамлакатимизнинг туйғулари ушбу табрикда мужассам эди. Аслида Муҳаммадқодир учун


бокслари муваффақиятлар оз эмас эди. Лекин эътибор берган бўлсангиз у Сиднейга жўнаб кетиш олдидан ҳали Ўзбекистон эришмаган чўққи — олимпия чемпионлигига албатта эришишни, бу билан Ўзбекистон доврўғини дунёга яна бир бор таратишни бутун мамлакат аҳолиси кўз олдига ниёт қилган эди. Бу ниёт аслида унинг халқ, Ватан, спортчиларимизни чин меҳр билан сийлаб турган Юртбошимиз олдидан мардонавор қасамеди эди.

Муҳаммадқодирнинг рингда қандай жасоратлар кўрсатгани-

ни бутун дунё, жумладан биз ҳам кўриб турдик. Шу боис, бунга ортқча изоҳ ҳам зарур эмасдир. Зотан, бунга фақат жасорат деб баҳолаш зарурдир. Шундай қилиб боксчиларимиз учта медаль — Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин медали, Сергей Михайлов ва Рустам Саидовлар бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Артур Таймазов эса эркин кураш бўйича кумуш медаль соҳиби бўлди.

Кеча олимпиядачиларимиз Сиднейдан Тошкентга қайтиб келишди.



2-саҳифасида:

- Наманганлик Султонхон Қаландаров 2000 йилнинг энг тадбиркор маҳалла оқсоқолларидан.
- Истиқомат ҳудудларини лойиҳалаш даврида спорт майдонлари эътиборга олинди?
- Ярашгирувчилар маҳалла мавқеини ошироқда.

3-саҳифасида:

- Бу мудҳиш дардни тинглаб вужудимга оғриқ кирди. Ота эса ҳамон йиғларди...
- Дока-рўмолни ким қуритади?

4-саҳифасида:

- Саховат - савобнинг қони.
- «Сен» деймизу, қачон «Сиз»лаймиз?
- «Фарғонанинг йўлларида» қандай саргузаштлар?
- Сойиб Хўжаев ҳангома-ларидан.

«ОБУНА — 2001»

«МАНАЛЛА» ОБУНАСИ УЧУН КИМ ҚАНДАЙ ЖОН КОЙИТЯПТИ

НАМАНГАН

Вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимида: Мазкур ташкилотлар раиси Раҳимжон АҚРОМОВ ҳамда ўринбосари Тўлқинжон ОМУЛЛАЕВ барча туманлар ҳокимлари билан мулоқотда бўлиб, газетанинг маҳаллалар ишини яхшилашдаги ўрнини эътироф этмоқдалар.

САМАРҚАНД

Вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон халқ артисти Таънаберди ҚУРБОНОВ саҳнада Отелло ролини қўйилмақом қилиб уйнаганлигини яхши биламиз. Бу ролдаги вақоат санъаткор характерига анчагина синган экан. Таънаберди ака «Маҳалла»га обуна бўлмаган туман бўлимлари раислари ва оқсоқолларни ўз қабулида Отелло вақоати билан қабул қилмоқда. Буни тўғри аниқлашлар, унинг ҳузурига обуна бўлганлиги ҳақидаги қоғоз билан қирмоқдалар. Яшанг, Таънаберди ака! Сиз олаётган ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари сафига «Маҳалла»нинг қамаргина мукофоти ҳам қўшилса, қабул қиласизми?

ҚАШҚАДАРЭ

Вилоят мухбири Курбон ЭҒАМБЕРДИЕВ «Маҳалла»га обуна бўлмаган оқсоқолларнинг қўлига секингина шивирлаб уялтироқда. Йўқ... Йўқ-йўқ, Курбон ака, уларни газетда танқид қилишга шошилмай туринг. Вақт бор, сизни вилоятдаги муштарийлар хижолатта қўйишмайди.

«Маҳалла»нинг ҳажвия муаллифи Ғузур тумани бош санитария-эпидемиолог вақти ЭҒамберди ҚУДРАТОВ санитария ҳолатини бузган, тозаллик эътибор бермаган хонадонлар соҳибларига жарима ёзган қозонинг орқасига «Маҳалла»ни ўқин!!! деб ёзиб қўймоқда. Тозалик, ободончиликка эътиборсиз дўкончи ва қасосларни эса нафақат жарима тўлагач, балки, газетда обуна бўлгангиза кеңирмоқда!

Ҳай-ҳай, раҳмдиларинг бўлинг, ҳажвия, э, кечирасиз, ҳурматли бош шифокор! Ахир бир йиллик обуна нақд 5 минг сўм туради-я.

СУРХОНДАРЭ

Вилоят мухбири Маҳмуд АБУЛҒАЙИБ эса Утган йили «Маҳалла»га обуна бўлмаган маҳаллаларни «калтакламоқда». Буни Утган сонларимизда ўқидингиз. Шу вилоятнинг яна бир мухбири Омон ШУКУРОВ «Маҳалла» муҳлисларини раҳбар, ташкилотлар орасида қўлайтиришни тартиб қилмоқда.

АНДИЖОН

Вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Амнижон СОЛИБЕВ: Телефонда: «Бизда ўтган йили обуна яхши бўлган, бу йил ундан ҳам яхши бўлади, Хуш хохласа».

Мухбиримиз Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ эса «Бу йил ўзим бутун Водий буйлаб обунани юз фоиз қиламан», деб мақтанмоқда.

МУШТАРИЙ ВА ТАҲРИРИЯТ

«МАНАЛЛА» БИЛАН БОҒЛАНИШ ОСОН

Ҳурматли муштарийлар! Биз албатта газетамизнинг ранг-баранг, ўқинишни, энг муҳими сизга мазкур мазмулар билан бойитишда шубҳасиз сизнинг фаолиятигизга таянаман.

Бизга хат, телефон орқали юборган мақола, таклиф, савол, шикоятнинг намуналари, борики, ҳатто шикоятнинг ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди.

Биз, сиз аниқ муштарийлар билан янада яқинроқ бўлиш учун турли имкониятлар излаётимиз. Масалан, агарда сизда тезкор хабар, фикр ёки савол туғилса, бунинг ҳам йўли осон: аввало сиз фикрингизни қоғозга туширинг-да, таҳририятимизнинг ҳоҳлаган рақамли телефонига қўнғироқ қилинг. Сиз ёзганларингизни ўқийсиз, биз маънинг дентасига ёзиб оламиз.

Маълумки, газетчилар кўпроқ ўз буш вақтларида яқин ишдан сўнг, кечкурун ёки дам олиш кунлари бу ҳақда кўпроқ фикр юритадилар. Бу

пайтда эса таҳририятда ҳеч ким бўлмайди. Бу борда ҳам биз сиз билан боғланишнинг энг қўлай йўлини таклиф этмоқчимиз.

Бунинг учун сиз бизнинг 133-44-25 рақамли телефонимизни терасиз. Телефонда автомат жавобини эшитасиз (агар телефонингиз ҳеч ким кўтармаса, албатта), жавобдан сўнг сиз ўз фикрингизни айтасиз, телефон ёниб олади.

Шунингдек, ушбу рақамли телефон орқали факс имконияти бор муштарийлар ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин.

Сизнинг фикрингиз бизнинг учун доимо, айниқса бутун обуна даврида жуда ҳам қадридлир.

ТАҲРИРИЯТ.

ИККИ СМЕНАДА

ИШЛАЙДИГАН ОБЖУВОЗ

Норин тумани Хўжақўрғонча маҳалласи фуқароси Абдуфаттоҳ Шамсидинов дастлаб ўз истиқомат ҳудудидики кичик ун ишлаб чиқариш тегиримини ҳамда гуруҳ чиқарадиган обжувоз цехини барпо этишга киришди. У ўз лойиҳасини асос қилиб, Норинкапа кишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда «Норин» жамоа хўжалигига ер сўраб мурожаат қилганида уни дарҳол раҳбарлар қўллаб-қувватлашди. Шу тўғрисида кичик корхонанинг биналари зудлик билан қурилиб ишга туширилди.

МАХАЛЛА АҲЛИ ТАДБИРКОР

Айни вақтда цехимизда кечая кундуз иш давом этаётир, - дейди тадбиркорнинг ўзи. - Сабаби маҳалладошларимиз кундузи асосан леҳқончилик билан машғул бўлиб келмайдилар.

Ана шу ҳамюртлар манфаатини кўзлаб бу ерда иш икки сменада ташкил этилган. Хозирча бу корхонада тадбиркорнинг ўқиси Ҳамидулла ҳамда ўғли Илҳомжонлар фаолият кўрсатишди. А.Шамсидиновнинг келгусидаги режаларидан бири маҳаллага замонавий тузар қуришидир.

Асатилла АБДУРАЙИМОВ.

ОҚСОҚОЛНИНГ ХОТИНИНИ ШАЙТОН ЙЎЛДАН УРДИ,

КИЕФАМИЗ ОЧИК

оқсоқолни-чи?

Янгиер шаҳрининг 32 ёшли фуқароси Виталий Раҳмонқодир ўзининг шайтон билан қўл даштарларини тўлириб ташлаган. Бирок ундан шовир чиқмади. Турилиб ўсган шаҳрида уни 10 йил қамалда ўтириб чиққан банги ва қотил деб билишди. Обру-эътиборли одамлар бундай шубҳали шакс билан яқин таниш бўлишни хоҳламаслигини тушунарлидир. Фақат шайтон васвасига учраб, нафе баюси ўз домига тортиган пайтдагина тулпа-тузуқ одамлар ҳам тўғри йўлдан чағриши мумкин.

27 сентябрдан 28 сентябрга ўтар кечаси Виталий Раҳмонқодир телефон кабелини ўғирлаётган пайтда қўлга олинди. Уни қўлга олишда жиноят қийинроқ бўлишининг катта тезкор вакили майор Илҳом Мадалиев бошчилигидаги тезкор гуруҳдан ташқари шаҳар алоқа тармоғи бошлиғи Абдураҳмон Абдухамидов ҳам иштирок этди.

Телефон кабелни ўғирларидан тинчлик йўқ, - дейди А.Абдухамидов. - Хозирги кунда ҳам телефон симлари ва кабелларнинг ўғирлигини сабабини 200 дан ортқ абонент алоқа хизматида фойдалани олмапти. Кабел узилган уч-

асталарни таъмирлашга юз минглаб сўм сарфланмоқда. Ўғирлиқни асосан нашо-валлар содир этмоқда. Қамоқ жаза-лардан улар қўрқинмайди, аксинча, нарқотик моддасиз қилишдан қўрқинишди. Бунинг учун пулни қасрдан олиш керак?

Телефон кабеллида мие бор, - дейди қўлга олинган В.Раҳмонқодир. - Бу эса нақд пул. Мисининг ҳар бир килограммининг 650-700 сўмдан сотаман. Бу пуллар мента жуда керак. Тушунсангиз-чи, мен геронисиз тура олайман!

Нашаанд ота озик-овқат харид қилиш учун пулга зор бўлиб ўтирган ҳо-миллар хотини ва уч ёшли қизини ҳатто эсламади ҳам.

Биз Виталийга: - Ўғирланган метал-лин сиз кимга сотасиз? - деган савол билан мурожаат қилдик.

Янгиерда бу қийин эмас, - деб жа-воб берди у. - Мен олиб-сотарлар яшайдиган олтига хонадонни биламан. Кўча номерини билмайман, бирок, жаза белгилашда ҳисобга олинмаган бўлса, уларнинг уйлари кўрсатишга розиман. Яна бир илтимос - микротуманда иш-овчи олиб-сотар аёлда хотинимнинг пас-

порти гаровда турибди. Хужжатини қайтариб олиш учун мен унга икки килограмм мие топширишим керак. У мента мана шу шарт билан иш сўм берган эди. - Уларнинг оиласини микротуманда ҳамна билди, унинг эри маҳалла кўма-тасининг раиси.

Оқсоқолнинг хотини Мунаввархон Расулбердиева паспортини дарҳол олиб чиқди ва ундан беш килограммдан ортқ мисини сотиб олди. «Манрифт» ма-ҳалласи оқсоқоли А.Расулбердиев эса нашоанда ва хотини ўрғасида бўлаётган олди-сотини чой ичиб ўтирган ҳолда деразадан кузатиб туради.

Оқсоқол Янгиерда телефон кабел-ларининг ўғирлигини билан боғлиқ муаммолар, фуқароларнинг шу ҳақидаги доимий шикоятлари, ҳокимият ва ало-қачилар ўртасидаги мунозаралардан ха-бардор эди. Ўзининг ҳам «кабел» ўғи-рларининг бебошчилигидан қийналган ва-қтлари бўлган - хизмат телефонини узок вақт ишламаган.

Бу ишнинг оқибати ёмон бўлиши-ни биларамиз, - дейди кўнраб-пишиб 60 ёшли А.Расулбердиев. - Хотинимни про-куратурага қақиртиришган эди. У ранг-

ли металл сотиб олишни тўхтатишни ҳа-қида тилхат берган эди. Уни шайтон йўлди урди.

Рангли металл олиб-сотарларига қарши энг қаттиқ жаза чораларини қў-лай керак, - дейди Янгиер шаҳар про-курори Муҳторжон Бобоеров. - Улар-нинг фаолияти қонуна мутлақо ил-тироқчилар ҳисобланади. Зеро, ҳар бир олиб-сотар сотиб олинмаётган мие ёки аллюминийнинг катта қисми қимматба-ҳо телефон линиялари, электротранс-форматорлардан қирқиб олинганидан, улар давлат мулки бўлиб, жамият, одам-лар манфаати учун ҳали кўп хизмат қи-лиши мумкинлигини яхши билишди.

Рангли металл олиб-сотувчиларнинг кўнчилиги, уларнинг ноқонуний касб-корларни жиноий иш эмас ва ҳаммаси жарима билан тинчиб кетали, деган фи-кр билан уларнинг юпатади. Ҳадемай, улар ўз қилмишларини янвчи оқибат-га олиб келганига амин бўлишди, деб уйлайман.

Т.АҲМАДАЛИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК ОММАЛАШМОҚДА...

Бухоро

Марказ томонидан 4 ой мобайнида 300 минг сўмлик консалтинг хизмат кўрсатили-ди. Ҳозирда пуллик компью-тер саводхонлиги курсида 20 киши ўқиб ўз билиминини ошироқда.


Худудда янги ижтимоий қатлам - тадбиркорлар син-фининг шаклланишда жон-бозлик кўрсатган Конимех туман ҳокими ўринбосари, иқтисодчи К.Салимов ва ту-ман прокурори М.Қаҳқоров-лар фаолияти тахсинга сазо-вор. Кўнчилик хўжаликлар

Конимех туманида тадбиркорлар мар-кази очилиши биланоқ бу маскан одам-лар билан савжумлашиб қолди.

раҳбарлари ва ташкилот раҳ-барлари ҳам бундан четда қолмади. Тумандаги Сарибел, Конимех ширкат хўжалик-лари, туман халқ таълими ма-даннинг бўлимлари, «Ишонч» ҳиссадорлик жамияти ва ли-цей-интернатлар баҳоли қуд-рат ёрдам қўлини чўздди.

Ҳозирда тадбиркорлар марказида учта компьютер, иккита нуша кўчирини асбо-блари ишлаб турибди. Юри-дик, бухгалтерлик, компью-терлик хизматлари тадбир-корларга самарали ёрдам кўр-сатмоқда.

М.ТОҚПАН,
Конимех тумани,
Дўстлик маҳалла
фуқаролар йиғини
раиси.



Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасида
00123-рақам билан рўйхатга
олинган.

Таҳририят манзили:
Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Нашр кўрсаткичи: 148

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75
ижодий бўлимлар — 136-53-82.

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи»
ҳиссадорлик жамияти

Кабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун
муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

ОТА

ҚАРҒИШИ

Қўш, ота-оналарига ана шундай эътиқод билан яшаган инсонларнинг баъзи бир авлодларига бугун нима бўлди?

...Ўғил жафосини бисёр кўрган ота не ниятларни дилга туғиб ҳақ сафарига йўл олади. Қабани, Мадина Мукаррамада Пайгамбаримиз масжидлари Набавини зиёрат қилади. Байтуллоҳ олдида тиз чўкиб, кўл очиб яратганга илтижо қилар экан, ўғилнинг унга берган аёз-убуқатларни кўз олдида ўтади. Шайтон: «Қарга-қарга, дуонбад қил, сенга қилган ёмонликларни азобини тортиш» дейди. Раҳмон: «Ақлнингги ўнгла, бу ниятингни қайт, унинг пешонасига тавқи-лаънат битилмасин, қарғиш бошига кулфат ёзилмасин» дея уни инсофга чақиради. Кўз олди қоронғулашади. Фаризталар қай-ҳай дей, Раҳмонни қўллайдилар. Ақлни ўнглаб, қарғиш фарзандини не қўйларга солишини аниқлаган ота ёмон ниятидан қайтиб, ўғлига Парвардигордан инсофу товфиқ тилади.

Ишонинг, имонингиз қиммат бўлиши, ҳақ қандай ота, у қанчалик ҳожил бўлмасин, ўз пушти қамаридан бўлган фарзандига ёмонликни, ҳатто кўзларига зиратча киришини раво кўрмайди. Аммо ўғил ёки қиз ўз хатти-ҳаракати, қилмиши билан отанинг қишлоқи ташна қилса, кўнга чўп, қўнсага тиг уриб турса-чи? Отанинг шу аснодаги аҳволини бир кўз ўнгингизга келтиринг-а. Унинг кўзига бугун дунё қоронғу бўлади, ушанга. Ҳеч қимми, бирор мўминни, ҳатто душманнинг ҳам ота қарғишига муғдало қилмасин. Зеро у фарзандни бир умр ўтга ёқди. ...Хонадонларнинг биридан чиққан тақликали дол-вой, бақирив-қақирвини эшитиб шу ҳовли томон чопдик. Не кўз билан кўрайликки, қўлда калтак кўтарган забардаст йигит оқсоқоли отахонни кутарди турмас сўзлар билан ҳақоратлаб ташлади. «Ўлдираман, ёриб ташлайман» дея бор кучи билан ҳамла қилётган кутурган ўғилни инсофга чақириб қийин бўлди ушанга.

Ҳайрон эдик. Эл орасида ўз савоб ишлари, алоқатпарварлиги, ҳақгўйлиги билан кўларнинг хурматига, олқошига сазовор бўлган, кишиларни инсофга чақириб, уларга ҳақиқатни айтишга ўқитган, битмаган ишларнинг қилганини топиб юрган отахоннинг бу аҳволга тушишига, не сабаб?! Қолаверса ўғил ҳам дунёдан, ота хурматида бе-хабар эмас.

Нусрат бобони деярли ҳар кун ёки қуноро ёшларга одамийлик ҳақида насиҳат бераётганда, баъзан кунни кечга гуноҳ қилиб қўйган ўспиринни ётиги билан қўйибётганда, яна бир дафъа қиз туққан хотинини турғунхонага бориб кўрматган йигитни инсофга чақираётганда...кўраман. Унинг сўзлари салмоқдор, далиллар исбот талаб этмайдиган, алоқат тарозусида ўлчанган. Унинг доим ҳақ ҳисоблайдиган ҳар қандай олифта ҳам унинг

қуридан ипаклек эгилиб қайтади.

Отахон қачон дуч келмай ҳар сафар ўша кўнглисиз воқеа эсимга тушади. Чолнинг ягона ўғли ва қизининг та-нобини нега тортиб қўймаганлиги аниқроғи кўюлмаганлиги ҳайрон бўлган. Кунларнинг бирида дилдагини тилга чиқариш фурсати келди.

«Бунинг сабаблари кўп ва улар ҳаминча оғир юк бўлиб қадимий букади, - деди сўз бошлаб отахон. - Энг аввало мен фарзанд доғини кўп чекмадим. Кўрган болаларимдан ортингарини ана шу иқтисоди.»

«Аслини айтганда буларнинг ҳаммасига ўзим айборман. Кўп қиз ичида ягона ўғил эдим. Текканга тегиб, тегаманга кесак отиб ўсадим. Каттани-қатта, кичики-кичик ўрнида кўрмадим. Ававал қариндош-уруғ, қўни-қўшинларни, кейинроқ ота-онами ранжита бошладим. Отам босиқ, ети ўлаб бир кесалиган, урни келганда эса даргазаб қилиш эди. У мени инсофга чақириб учун минг бир усул қўллади. Мен шўр пешона эса бунга сира англамадим. Кейинчалик отамни ҳам... Ха, да... мана шу кўларимни отамга кўтардим. Ҳозир ҳам отамнинг қўларини осмонга кўтарганча «Фарзандларимдан топ бола, катта-кичик, қўни-қўшин, ҳўн-ҳўн йиллагани кўз ўнгимда турлибди. Бугун эса фарзандларим бошимга ит азобини солишганда ҳам бугун қаттиқ

ликларни ўзимга олиб уларни қарғамасликка ҳаракат қилмаман. Токи бир кун келиб меннинг аҳволим тушмасин, уларнинг бошларига.

Бу муҳр ҳақини тинглаб вужудимга оғриқ кирди. Елкаларим титраб, кўзларидан дув-дув ёш оқаётган бу нота-вон отага нисбатан раҳим келди.

«Каришига сўт ора кириши, ота қарғиши эса сира иккиқатмаслигига яна бир бор иймон келтирдим. Ногоҳон Мир Алишер Навоийнинг «Муншоотдан ҳол олган Султон Бадиуззамонга йўллаган мактубидан сатрларни эсладим. «Оллоҳнинг ризоси отанинг ризосиди. Тангри таоло газаби ота газабига вобасталир. Ота фарзанд учун парвардигор, чунки Оллоҳ йўқликдан борлиққа фарзандни келтираркан, сабабини қилиб отани танлайдиган... Бас, киши ота ризосини ҳосил қилса, Тангри таоло газабига учрамай бўлади. Мундоғ бўлгондин сўнгра киши нечуч ота ризосидан айри дам урғай ё қадам қўймай.»

Набираси етаклаб кетаётган кишига дуч келаман. «Нега энди юнга ёрғун дунени қўришни насиб этмаган Оллоҳим», - дед уксинаман. «Унинг кўзлари ўткир, нурли эди. Ота қарғиши уни шу кулфатга солади», - дейди йўловчи «Чол дилдан ўтганини аниқлаганди.»

«Во-дарин, бунчалар қаттиқ бўлмас ота қаҳри!» «Юқ, ундамас асло, ота эмас фарзанд гуноҳи қаттиқ эди.» Халқнинг «Бойўғли» ҳақидаги ривоятларидан кўларингиз ҳақдор. Шундай бўлса ҳам улардан бирини ана эслайлик.

Замоннинг забардаст бойларидан бири ўғли билан



ди. Белдан қувват, қўздан нур кетганда бу не кўрулик, не укубат. Эшитганларим: она

Қурбон ЭҒАМБЕРДИЕВ
Қаёнда мусулмон мамлакатларидан бирининг султони душманлар ўлдириб кетишди. Отанинг иссиқ-совиқ маросимлари ўтгач, тўғич ўғилнинг тож кийиш тантаналари бўлибди. Хуфтондан сўнг уйга қайтган янги ҳукмдорга хотини табрик айтишди:
- Шоҳлик мақомингиз муборак!
Шаҳзода бундан сира қувонмай аксинча жуда қаттиқ газабланибди ва қозини чақириб, хотинини талоқ қилибди. Бунинг сабабини сўраганларида дебди:
- Бу аёл мени отанинг ўлими билан муборакбад қилди.

қаришига сўт ора кириши, ота қарғиши эса сира иккиқатмаслигига яна бир бор иймон келтирдим. Ногоҳон Мир Алишер Навоийнинг «Муншоотдан ҳол олган Султон Бадиуззамонга йўллаган мактубидан сатрларни эсладим.

намоз ўқиш учун масжидга боради. Ўғил ёнбошига келиб ўтирган икки кишидан қон қийи келаётганлигини сезади. Ҳақиқатдан ҳам уларнинг кўзлари бежо, кўллари титради. Ўғилнинг тоқати-тоқ бўлиб ҳақини кишилардан бирининг билганини мақкам ушлаб: «Сендан қон ҳиди аниқиб турибди, сен жаллодсан, нега муқаддас даргоҳга бу ҳолда келдинг» дея қўнғога тутаяди. «Худонинг уийида ёлгон тапирин мумкин эмаслигини тан олган ҳали кишиларнинг қилмишларига иқдор бўлишдан ўзга илоҳлари қўймайди.

мо бунга ўхшаш воқеалар кундалик ҳаётимизда, шундоқки на кўз ўнгимизда ҳам содир бўлиб турибди-ку, ахир. - Эшлик бебoshiкда, отамнинг ҳай-ҳўйига, газабига қарамай қўришдан тўтмоқ хоҳишида дархотданги инни қовлай бошладим, - деб эслайди мумтоз ёзувчиларимиздан бири. - Эҳтиёсизлик ва раҳмсизлик тиржаъли, шунча қориб унинг бир қўлини узиб олдим. Шунда менинг ҳаракатларимни кузатиб турган отам: «Нима қилиб қўйдир, қўлинг узулгур бахат!» деяларан даргазаб бўлиб. Айни йигитлик чоғимда отамнинг қарғишига учирадим. Яра чиқиб аввал панжаримдан, охири оқибат бир қўлимдан буткул ажралдим!

Уғил отасининг таптарига қўлоқ солабди. Бундан қаттиқ ранжиган ота ўғлини қарғабди. Бола оstonага етар-етмас қўшга айланбиди-ю, учиб кетибди. Шу-шу ўша қўш «Бойўғли» деб ном олади.

Можаролан хабардор ота кўпчилиқ олдида изза бўлиб ўғлига:

Жуда кўп гуноҳ бўлганман, халқимизнинг: «Олтин олма дуо ол» деган ҳикмати-ни эшитганларида айримлар масхараоман тиржаъли, пишхона, баъзан ошқор: «Уоинг узинга буюрсин, тирноқдек бўлса ҳам олтиндан узат» дейдилар. Билмайдиларки, уларнинг ўзларини ҳам қўзга кўринмас ўша дуо мустажаб бўлиб, бир неча бор уларни нопок йўллардан қайтарган, захири тилдан асраган, болоқазорла қалқон бўлган.

Уғил отасининг таптарига қўлоқ солабди. Бундан қаттиқ ранжиган ота ўғлини қарғабди. Бола оstonага етар-етмас қўшга айланбиди-ю, учиб кетибди. Шу-шу ўша қўш «Бойўғли» деб ном олади.

Шундай экан азизлар, бизнинг келажгимиз булган ўғил-қизлар, ҳар қандай шароитда ҳам оталар кўнглини овлайлик, уларни асло ва асло ранжитмайлик, улар газабидан ўзини асрайлик.

МАҲАЛЛАГА РУҲШУНОС КЕРАКМИ? ДОКА РЎМОНИ КИМ ҚУРИТАДИ?

Бундан анча йиллар бурун Москва шаҳрида «Ишон» деб аталувчи психологик «тез ёрдам» ташкил этилган ҳақиқати хабарни мутабоғда ўқиб қолдим. У ердаги ходимлар турмушда мушук аҳволга тушиб қолиб, руҳан азоб чекаётган кишиларга телефон орқали маслаҳат беришаркан.

«Психологик тез ёрдам иш бошланган дастлабки ҳафталаардаёқ кунга йозлаб одамлар унга мурожаат эта бошладилар» деб ёзилган хабар сўнгиди. (Хорижий фильмлардан билемизки, баъзи бир ривожланган давлатларда ҳам «хар бир хонадонга хизмат кўрсатувчи руҳшунослар бор!») «Қанинди, бизлаям шундай хизмат тури йўлга қўйилса» деб ўйлагандим ўшанда.

Назаримда, бу кўпчилиқнинг кўнглидаги гап экан - кўп ўтмай, республикамизда бир қанча (Халқ таълими, Ички ишлар, Темир йўл, Автотранспорт) вазирликлар ташаббуси билан «Руҳий хизмат марказлари» жорий қилинди. Лекин, бундай марказлар асосан турли соҳа мутахассисларига йўл-йўриқ ва тавсиялар беришди. Аслида эса бундай тавсия ва йўл-йўриқлар оилавий муаммоларнинг ҳал этишда жуда ақотган бўлади.

«Руҳий хизмат марказлари»нинг бўлимлари ҳар бир маҳаллада ҳам ташкил этилса айти мудао бўлур эди. Ана шундангина хонадонларда соғлом муҳит қарор топиб, кўпгина оилавий ажримларнинг олди олинар эди.

Шу ўрнида бир воқеа ёдимга тушди. Журналининг ҳатлар бўлимида ишлаётган кезларимда таҳририятга бир аёл арнома кўтариб келди. «Олис йўл босиб келдим, чекка қишлоқда яшайман, турмушим жуда ёмон, бориб аҳволимни кўринглар» деди у. Аёл жуда асабий ҳолатда эди. Айтишча, эри қичибга маст бўлиб келиб, аёлни ҳақоратлаб, қўчга қувиб чиқараркан. «Тўрт йилдан бери сўнгуш ҳақорат эшиттариб юрак касалига йўлиқдим» деди аёл. Эртасигаёқ мен аёл яшайдиган туманга хизмат сафарига отландим. Маълум бўлишича, маҳалла-қўй, бир неча мутасадди идоралар бу хонадоннинг «машамшалари»дан хабардор эканлар. «Бу эру хотинини инсофга чақириб қийин» дейишди улар. Бир хонадонга кириб бордик. Сўзбахтирим чоғида аёл йиғин-сиги бошладим, эрини қаргаб, бизга шикоят қила кетди. Эри эса бундан ҳақли чиқиб, сўнқиди, ўзини оқлай бошладим. Бир четда мурғак болалари мунгайиб туришарди. «Бу хотин рўзгорини эпломмайдим, аламимдан ичаман, манави болаларни ўйлаётганимда алдақандон ажрашиб кетган бўлардим! Шу билан турмуш кўриб юрагим хасталанди» деди эр. Аёл бу гаплар сўнг изиллаб йиғлай бошладим. Очиги шошиб қолдик. Эру хотин можаросига аралашин осон эмаскан. Эртасигаёқ шаҳарга қайтдим. Ҳақо оиладаги носоғлом муҳитни, эгин болаларини ўйлаб бир неча кун уйкум қолдим. Сўнг ишга чалиб муштандек бўлдим. Лекин, орандан ҳафта ўтиб, бир кун юрагимда қаттиқ оғриқни ҳис этдим...

Тўрт оилавий низо чиқмайдиган хонадоннинг ўзи йўқ, ўзаро тушуномчиликлар эса низоини жанжалга айланттиради, руҳ азият чекади, соғлиққа лутур етади. Психологлар эса эру хотиннинг феълу атирнини ўрганиш орқали бундай жанжалларнинг теши олдини олишлари мумкин бўлади.

Яқинда бир психолог аёл билан суҳбатлашдим. «Инсонларнинг шахсий муаммолари уларнинг миқози билан боғлиқ ҳолда кечеди, - деди у. - Биз психологлар одамларнинг руҳини ўрганишда шу жиҳатига кўпроқ эътибор берамиз. Яъни, ҳар бир киши ҳис-ҳаяжони, ўзини қай даражада бошқара олиш имкониятига қараб асосан тўрт хил миқозга эга бўлади. Холерик миқозин одам ҳаракатчан, лекин салта «ловулаб» кетади, сўнг дарров жасаддан тушади. Сангиниклар эса аксинча, ҳар қандай вазиятга ўйлаб иш туттади. Меланхолик миқозлилар санчик ва масхуриятга бўлишса, флегматиклар муштанди ва қатъиятчилар. Умуман, оилада тинчлик ва аҳдикнинг барқарор бўлиши учун эру хотиннинг миқозларини аввалдан бириш гоятда муҳим. Чунки, эр ҳам, хотин ҳам холерик миқозда бўлишса, уларнинг ўзаро муросага келиши қийин. Бу ҳолда уларга руҳий таъсир ўтказиш йўли билан ердан берса бўлади. Умуман ҳар бир киши қатъи вазиятга тушиб қолганда ҳаётини қайта йиғи солишини истар экан, бу борда руҳшуносга бемалоқ иншоавариши мумкин.

Демак, халқимизда руҳшуносларга мурожаат қилиш кўпчликларини ҳам ҳосил қила олишимиз керак экан. Кўпчилик вақтларда одамлар психолог билан психиатридан фарқига боришмайди, уларга мурожаат қилишдан эса истиҳоло қилишди. Шунинг учун бундай касб эгалари беғосита маҳаллада ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Сиз нима дейсиз, қайсиқиллар?

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

ҲАР ЛАҲЗАДА ҚУШЎРЛИК ЗАРУР

Дин муқаддас тушунча. Аммо уни нотўғри талқин этиш, гаразли мақсадларга йўналтириш салбий оқибатларга олиб келади. Бунинг биз динимизга ёт бўлган оқимларнинг қара қирқинқорлари мисолида кўрдик.

Яқинда Самарқанд шаҳридаги «Панжоб» масжидида диний идора вакиллари ва маҳаллалар фаоллари ўртасида очиқ мулоқот бўлди. Унда вилоят бош имом-хатиби Усмонхон Олимов, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари иштирок этиди. Мазкур учрашувда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг турли оқимларга қўшилиб кетишларига йўл қўymasлик, бунинг учун маҳаллаларда тарғибот ишларини жонлантириш зарурияти таъкидланди. Ҳушёрликни йўқотмаслик, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

У.РУЗИЕВ,
ЎЗА муҳбири.



- Мухаммад Қодир олтинни океан ортидан олиб келишга эришдим, бу катта ютуқ...

МАРҒИЛОН—БУХОРО: ҚАДИМИЙ РИШТАЛАР БОҒЛАНДИ

ХАМКОРЛИК МАЙДОНИДА... МАҲАЛЛАЛАР

Бир марғилоликлар, буюк ааломат Бурхониддин ал-Марғиноний таваллудиниң 910 йиллигига тайёргарлик жараёнида Бухоро шаҳрида бордик. Маххур фикш оламнинг ҳаёти ва бой илмий меросини янада чуқур ўрганиб, янги маълумотлар олдик. Ҳазратнинг устозлари қадимларини тавафқ этдик.

Ана шу изланишлар жараёнида янги бир ташаббус маълумланди. Марғилондаги Йўлдош Охунбобоев номи маҳалла фуқаролар йиғини билан Бухоро шаҳридаги Қўқалдош маҳалла фуқаролар йиғини ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилди. Шартномаси кўра, ҳар икки маҳаллада ижтимоий, маънавий-маърифий ва ташкилотчилик соҳаларида тўпланган таҷрибаларни ўрнатқлаштиришга келишиб олинди. Маҳаллалар оқсоқоллари ва ёшларнинг улуғ бобоқолларимиз ҳаёт ва асарларини ўрганиш, қадимжоларини зиёрат қилиш учун борди-келдилари йўлга қўйилган бўлди.

Айниқса ҳар икки маҳалла худудидида жойлашган Ҳазрат Баҳовулдин Нақшбанднинг шоғирди Хожа Мухаммад Порсо номли кўчаларда истиқомат қилувчиларнинг бу муборак инсон тарихини ўрганиш борасидаги тақлифлари эътиборга лойиққор. Шунингдек, маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларни бирликда уюштириш, тарбиявий ишларда ижобий натижалар бериши аниқ.

«Юртимизда яшаб ўтган улуғ мутафаккирлар, олим-фузалар тарихларини ўрганишимизга кенг имкониятлар яратилди. Биз ўз маҳалламиз тарихини ёдик. Эндиликда эса қадим-қадим Бухоро билан Марғилон хўнармандларининг алоқалирини янада мустаҳкамлашдан иборатдир.»

Уқтамжон ЭШОНБОЕВ.



- Юр, боғчага... Р.НУРИНБОВ оingan сурат.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯХШИЛАР ҒДИ ЭЛ НАЗАРИДА ЭДИ

ЭЛ НАЗАРИДА ЭДИ

Абдурахмон ака Холмаматов туманининг иззатли одамларидан бири эди. Бунинг боиси бор. У киши барнага барбор камсуқим, камтар, самийий эди. Унинг юзидида ҳаминша табассум балқиб турарди. Баланд товушда сўзлаганини ҳеч қим эслай олмайдим.

Абдурахмон ака эли Боисўнинг дилбар кишилоғи - Дарбандан. Шу ерда туғлиб, одам тантанга, мактаб курган. Қишлоқнинг биринчи олий маълумоти зилдиларидан. Унинг меҳнат фалогини жушқин, сермазун. 1952 йили тиз-алабей ўқитувчиликдан иш бошлаган қишлоқ йигити мактабга директорлик қилган. Туман ҳамла вилоят микдесида маъсул вазифаларди ишлаган.

Ана шундай ҳали баркамол инсон бўлиб оранимиза йўқ. Яқинда Абдурахмон Холмаматовнинг ёрқин хотирасини ёлга олиш мақсадида дўстлари, ақин бирдорлари унинг хонадонига бўлишди.

Омон ШУКУРОВ,
«MahaIla» муҳбири.

ХАЛҚ МАНФААТИГА БАХШИДА УМР

Обиджон ҳожи аканинг олдиндаги чиқинг, дейишди.

О.Ахмедов бошчилигида маҳаллада жуда қаттиқ қурбончи ободонлаштириш ишлари олиб борилайти. Шу кулларида «Шарқ тоғи» худудига йўлнинг туши, қўчаларини «қон тоғи» сув зовурлари қайта таъмирланётганига кўзичи тушили. Аҳолини тоза ичимлик суви билан бир маромда таъминлаш учун бу ерда 320 метрик сув зовурлари ётқизиладик. Бу ишлар туши ақун-қондаги қўчалар эди. Ҳолга ташлаб қўйилганда, албатта, Улар янгидан асфалт ётқизиладик таъмирланайти. Бундан кенг ҳақим ишларни рубға ниқришда оқсоқол О.Ахмедовнинг ҳоқимийт ва бошқа наора-муассасалар билан «дипломатик» тарзда муомала қила олиш қобилияти, ширинсухаллиги қўл келаетир. Ахир иштиқолик-ку, инсонлар яқин гап гаюсин, деб

Оқсоқол маъна инстанцияларда ўз маҳаллаҳоини ҳоқимий-иродисини, маинфактарини ҳимоя қила олгани, ифода этиб билгани учун ҳам у кишини халқ самийий ҳурмат қилади.

Нодир АЛИМОВ,
«MahaIla» муҳбири.


ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

31. САХОВАТ САВОБИ

Маънавий садақа бу бировга илм ўргатиш, бир яхши маслаҳат беришлик, ёмон йўлдан қайтариб қўйишлик. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, «Амри маъруф», «Нахйи мункар» қилишлик. Энди садақанинг моддий томонига келсак. Бу бир эҳтиёжманд одамнинг ҳожатини чиқариш, фақир мискинга, маълум миқдор маблағни, таомни ё кийим-бошим беришлик. Эки бирор бир юмущини қилиб беришлик. Бу ерда мақсад ўзгаларга ердан беришлик бўлади. Садақа ҳақида Оллоҳнинг каломини - Қуръонни қаримда оятлар кўп. Расулоллоҳнинг сўзлари кўп.

Хаёт экан, ҳар хил нохуш одатлар пайдо бўлиб тураркан. Улардан бири «Фақат ўзим бўлай» «менга бўлсин» қабилида иш қўриб, ён-атрофдагилар билан ишимиз бўлмай қолишидир. Садақани унутушдир. Биласиз, садақанинг тури кўп. Моддий ва маънавий садақалар бор.



Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи вассаламнинг ҳузурларига келиб айтилган: «Эй, Расулоллоҳ, менда саккиз минг дирҳам пул бор эди. Тўрт минг дирҳамни Оллоҳ йўлига фиқарийлик бердим. Тўрт мингтагина бола-чакамга қолдирдим. Шунда Расулоллоҳ Акрам дуо қилиб, айтдилар: «Оллоҳ фароқатли қилсин, қолдирганингни ҳамда берганингни. Бу гапни эшитиб, Усмон ибн Аффон разиллоҳу анҳу айтдилар: «Кечаги садақага берилган савобларни эшитиб,

менда бор нарсаларнинг ҳаммасини бериб жиҳотга кетяман. Бунга қўшилиб туриб ҳазрати Усмон айтдилар: «Мен ҳам боримни ҳаммасини садақага бердим. Ҳазрати Алининг ёнларидан бор-йўғи тўрт дирҳам пуллари бор экан. Тўрт дирҳамни эрта билан бир дирҳамдан садақа қилиб юбордилар. Ўзларига ҳеч нарса қолмади. Мана шу учалларини Оллоҳ йўлида, ўзлари шунга муҳтож бўлиб туриб, берганларидан Оллоҳ таоло ана шу биз тилга олган ояти калимани нозил қилган экан.

«Еттига бошоқнинг ҳар бирида юзтадан дон бўлса, садақа қилганларга шу дон саноғи баробар савоб бераман», - деб ваъда беради Оллоҳ. Оллоҳ садақани ўн баробар, юз баробар ва минг баробар қилиб қайтаришини ҳам оят орқали билдирган. Ҳазрати Анас разиллоҳу анҳудан ривоят қилгани: Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассалам, «Вақти Оллоҳ ерни яратди, тоғлар, денгиз, дарёлар, ўрмонлар, қуёшни, унинг нурларини - ҳамма нарсани мукамал қилиб яратганда Оллоҳ таолодан фаришталар сўрадилар: «Эй, Раббим, бизнинг кўриб туришимизча, бу ерда яратган энг кучли нарсанг, энг бақувват нарсанг тоғу тош-

лар бўлса керак? Яратган Эгам айтибдики: «Мен бир темир яратаман, у тоғу тошлар бағрини ҳам поралайди. «Эй Раббим, ундай бўлса энг кучли, қаттиқ, бақувват нарсанг, бу - темир экан-да? «Мен ёниб турган ўтни яратдим, у ҳар қанақа темирни ҳам эритиб юборди. Бу ўт шундай ёнадики, қаттиқ темир ҳам мулоим бўлиб қолади. «Демак ўт экан-да энг кучли, бақувват яратган нарсанг? «Сувни яратганман, ҳар қандай ўтни учиради. «Демак яратган нарсаларинг ичида энг кучли сув экан-да, ё Раббим? «Шамолни яратиб қўйибман, ҳар қандай сувни денгизлаштири, дарёдаги сувдан бу ёққа чайқатиб, тебратиб юборди. «Эй Оллоҳим, демак энг кучли ва бақувват нарсанг шамол экан-да? «Йўқ, - деди Оллоҳ, - бани Одам, одамзот фарзандини энг кучли қилиб, бақувват қилиб яратдим. Одамзот фарзанди ўнг қўли билан қилган садақасини чап қўли қўрмаса, у одам тоғдан ҳам, темирдан ҳам, ўтдан ҳам, сувдан ҳам, шамолдан ҳам кучли, бақувватдир. Серсадақа, саховатпеша бандамга ҳеч нарсанинг кучи етмайди, - деди Оллоҳ.



Рақс

Абдул-Қодири

КАМОЛИДА

Йигитлар кўрар бахтин ёрнинг жамолида. Бахтин топар қизлар севганин камолида. Кимдир ер чошиб, кимдир пардозлар ариқларни, Бахти боғбор ахли ҳар эккан ниҳолида. Йўл бўйлаб ўғил-қизлар мактабга борар шахдам, Бир дунёча маъно бор ҳар бирин саволида. Хурсандмен - ҳаёт қайнар ҳар қўча, хиебонда, Бордир яхши бир ниёт ҳар кимнинг хаёлида. Ҳамма дўст-қадрдонлар бир-бирига, шод, хандон, Ҳар ким яйрағай дилдан ўз юртин шамолида. Барча бир эмас, билсам. Бор ичи қаролар ҳам. Жангчининг шараф-шони душмани заволида. «Элу юрт ўмон бўлса, рангимиз сомон бўлмас!» Борлиқ, бойлиқ, имоним халқимиз мақолида.

Носир ХУСРАВ

БИР ҲОВУЧ ҲИКМАТ

Кучу қудратингдан бўлмағил мағрур. Жуда кўп дунёда сендан кўра зўр. Дили гурур тўла молдордан хазар. Бодраф тўлса, унда ифослик ошар.

Кўп яшай десанг, берма дилга озор. Кўп яшайди дом кимки беозор. Носир манманлиқдан сен ҳам кет узок, Гурурланган бургут қисмати-сабоқ.

Тавозу ҳам қарам ҳамда қаноат, Беозорлик ҳамда парҳезу тоат. Яна ақлу ҳикмат сенга эрса ёр, Ёмондан қоч, буларга бўл харидор.

МУОМАЛА

«СЕН» ВА «СИЗ»

Халқимизнинг «Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор» деган ажойиб нақли бор. Кундалик турмушимизда, инсонлар ўртасидаги муомалада «сен» ва «сиз»чалик кўп ишлатиладиган сўз топилмас керак. Ҳар кун эрта тонгдан уйкуга кетгунга қадар ҳар биримиз бу сўзларни такрор ва такрор ишлатиб тураемиз. Хўш, биз ўзбеклар қачон ва қай вазиятларда «Сен» деймизу, қачон «Сиз»лаймиз?

Одатда «Сен» кўпроқ ёши кичик одамга, болаларга, оилада раҳбарга, энг яқин дўст ёки дугонага нисбатан қўлланади. «Сиз» эса кўпинча ёши улуг кишига, нотаниш инсонга, оилада ота-онага, эрга, давомий юқори мартабали шахсга, ҳурматга лойиқ инсонларга мурожаат қилганда, кўпроқ расмий муомалада ишлатилади.

Баъзан «Сен» ва «Сиз»нинг ўз ўрнида ишлатилмаганидан ҳаётда инсонларнинг ўзаро ҳафачилигига ҳам сабабчи бўлади. Илгари «сиз»лашиб юрган яқин муомаладаги дўстларнинг ҳам кўпчилиги «Сиз»дан «Сен»га ўтиши ҳам суҳбатдошнинг ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бундай ҳол кейинчалик улар ўртасидаги илқ муомаланинг дарз кетишига сабаб ҳам бўлиши мумкин.

Гоҳо оила қўрунча бўлажак кувб булга ўз қайлигини сизлаб, тўйдан бироз ўтгач сенга ўтиши ҳам яхшилик аломати эмас. Яна бир ҳолатга эътибор берак. Қани ўзбекларда Оврупо халқларидаги каби ота-онага фарзанди «сен»лаб мурожаат қилгани? Бундай ҳоли ҳар қандай ўзбек ота-она кўтаролмас керак. Лекин бизда ота-онанинг ўз фарзандларини «сен»лашиб одат тусига кирган. Фақат Фарғона vodiysida катталарнинг, ота-онанинг болаларини «сиз»лаш одати бор. Республикаимизнинг бошқа жойларида болаларни эркалагандагина «сиз»га ўтилади. Баъзан «сен» ўрнига киноя, кесатикли «сан» ёки «сиз»ни ҳам эшитиш мумкин. Бундай ҳолда гапдаги оҳанг ҳал қилувчи ўринга,

аҳамиятга эга. Тасаввур қилинган, устоз ўз талаба ёки ўқувчиларига «сиз»лаб мурожаат қилса қандай яхши бўларди. Бу ҳол талабаларда ўз домласига нисбатан ҳурматни ошириш билан бирга уларнинг ўзларида ишонч, ҳурмат руҳини уйғотади. Бир-бирига «сен»лашиб мурожаат қиладиган ўртоқларнинг кўпчилиги ўртасида, жамоада бир-бирини «сиз»лашгани маъқул.

Мансабга кўтарилган кишининг илгари «сиз»лашиб юрган бўлишига нисбатан кўпчилиги «сен»га ўтишини ҳам яхшилик аломати бўлади. Бундай ҳолда икки ўртадаги самимийликка путур кетиши мумкин. Айниқса, «сен» кишилик оломининг ҳақоратомуз «сан»га ўтиши жуда кўнгилсиз ҳолидир. Кўриниб турибдики, «Сен»нинг ҳам, «Сиз»нинг ҳам ўз ўрни бор экан. Фақат азалии ўзбекона хўшмуомалани йўқотмасдан, уларни қай вазиятда, кимга нисбатан ва қандай оҳангда айтишга кўп нарса боради. Куруқ, эҳтироссиз, ҳафсаласизлик билан айтилган «сиз»дан кўра, юракдан чиққан «сен» минг қарра афзарроқдир. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда кундалик муомалада назаримда, тарзининг иккинчи палласини кўпроқ «сен» босиб бораётганга ўхшайди, айниқса, ёшларимиз ўртасида. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам биз шарқона одоб-ахлоқни, ўзаро ҳурматни унутмаслигимиз керак. Айниқса, халқимизнинг «Сен ҳам, сиз ҳам - бир оғиздан чиқадим» деган пурҳикмат нақлини унутушга асло ҳаққимиз йўқ.

Нормўмин ОЧИЛОВ.



«Тафаккур» журнаlining янги 4-сони босмадан чиқди. Унинг саҳифаларидан ўрин олган янги шеърни муштарийларга ҳавола қилишни лозим топдик.



Эркин ВОХИДОВ

ФАРҒОНАНИНГ ЙЎЛЛАРИДА

Дейдиларки, эр кишининг Уялгани-ўлагини, Фарғонанинг йўлларида Қувиб ўтдик «Волта»ни.

Ўзмок бўлиб йўлни тоҳ суя, Гоҳи уннга солади. Тумов бўлган хўроқ каби, Биёбоннинг чақали.

Тариллади, вриллади, Қувиб ўтди, воҳ қаран! Қувиб ўтди машинани Йўлга қўйди қуналаган.

Довон ошиб, шамол бўлиб Учар бизнинг «Жигули», «Жигули»мас, нақд «Бойчабор», «Хаволаймо» дегули.

Бизлар эса бун келмаймиз, Минга қўйиб босамиз. Қий-қийлашиб, тил қўратиб, Масхаралаб қочамиз.

Биз тўхтадик. Йўл беркилган, Утунга ҳеч имком йўқ. Тўртто ҳайрон ўлтирибмиз, Тиззаларда дармон йўқ.

«Жигули»да биз - тўрт улафат, Дунё билан иши йўқ. Узинимдан жуда мағрур, Бизга етар киши йўқ.

«Запорожен» ишма бўпти, Қувиб ўтдик «Волта»ни. Бос, деб Парин, эр кишининг Уялгани-ўлагини.

«Запорожен»дан чиқиб келди Фарғонанинг ҳар елкаси Нақд Чотқолининг харсанги.

Кечкурунги базин жамшид - Тўйга шомиб борамиз. Қўриган ҳар тилдиракни Қувиб, ошиб борамиз.

Рихсентилов қичкиради: «Тогоранин нари ол!» Этамберди қач-қач урар: «Эски қумгон, яхши қол!»

Белбоғга осиб олган Пичоғи ҳам бир қулоқ. Қалтираймиз, олга йўл йўқ, Қайтишга ҳам йўқ илож.

Бир пайт бизнинг жайрон тойин Биёламлик не сабаб, Пачоққина «Запорожен» Қувиб қолди, вояжаб!

«Запорожен» чидамиди, Тўрт улафатин гаптитиб, Шартага йўлни қирга солиди, Ҳаммаёқни чаптитиб.

Машинани таялаб қочсак, Қаерга ҳам кетармиз?! Битта-битта ушлаб олиб Чавакласа нетармиз?!

Ҳайдар Муҳаммад хожи



СОЙИБ ХЎЖАЕВ ҲАНГОМАЛАРИ

(Муқиқали комедиядан парча) Охири, боши аввалги сонда «ШУНАҚА МЕЗ-МЕЗ МЕЛЕРОФ ҚИЛИБ ТУРИНТ?»

Бир кун устоз спектаклдан ҳорғин чиқиб келсалар уйда ҳеч ким йўқ. Фаёзхон ойим паловни дамаб сирли тоғарчага сузиб, дастурхонга ўраб, столнинг устига қўйиб, тузланган бодринлар тўраб, турулларни майда қилиб сувга солиб кетибдилар. Соиб Хўжаев дастурхонни ёзиб, бодрини турулларни, кесилган ширин анорларни лиқопчаларга солиб, паловни лағайга сузиб қарасалар бош-оли киши тўйдан миқдорга экан, шу пайт инқилари келибди. Музтағинни оңсалар арок, коньякларнинг оңлмағдилари бор экан. Олиб столга қўйибдилар. Лекин одатлари буйича ҳеч

қачон бир ўзлари ичмас эканлар. Соатга қарасалар 11 дан ошибди. Қўни-қўшини чақирини ноқулай. Малол келиши мумкин. Фақат малол келмайдиган «Тез ёрдам» ёки Миллиция. Совет «Тез ёрдам» жаноблари кўпича икки-уч соатда зўрага келди. Дарров бемор ўлиб бўлгандан кейини терлабиди, деб сўраб ҳам қўйишди... Ҳа, гарк терлаганди - деса, ана шу яхши бўлган экан жони билан касалим чиқиб кетибди. У дунёга бегузор боради, деган латифлар бор.

«Тез ёрдам», «Тез ёрдам», «Тез ёрдам» керак тез ёрдам. Миллиция тузук, тезда етиб келди, дег телефонда «02» рақамини териб! «Ало, мен артист

Ана, қалдин ростлади у, Сўнг атрофга алағлаб - Бизга қараб аста юрди Кинг-конг мисол лапанлаб.

Иш ораси латифалар Айтиб яна қулдирди. Хуласа, шу кун деҳқон йигит Бизни тирик ўлдирди.

Шу пайт илож бўлса эли, Биз тўрт ақан қарағай, Тўшкентча қочар эдик Орқамизга қарамай.

Ишни созлаб, ариқчалда Ювар экан қўлини, Сўраб борар манзилимиз Айтди яқин йўлини.

Яқин келди. Салом берди... Эртақларда дейдилар: Дeyди аввал салом бериб, Кейини тутиб ейдилар.

Сўнг бор қараб машинага, Ён қўзғини тузатди. «Оқ йўл» деди, ўзи кетмай Аввал бизни кузатди.

Дераздан қўлни тикди. Улкан, жулдор, даҳшат қўл. «Сўрашайлик» деганда Додлар эдик, энгил хўл.

- Хайр, қачин босинг, эли Тойчоғини ҳеч толмас. Бизнинг эски қумгон тутул Самолёт ҳам етолмас.

Гудилраган овоз билан Гап бошлади: «Минг узур, Йўлингизни тўсиб сизни Қилган бўлсам беҳузур.

Йўлга чиқдик изза бўлиб, Қип-қизилар, шарманда. Энг ёмонни кейин бўлди - Тўйхонага борганда.

Машинангиз филдираги Бўнаётар, акалар. Мотордан ҳам мой кетганга Ухшайётар, акалар.

Кўзи қулиб боқар эди, Сир бермасди у бирок, Бундан кўра бизни тутиб Урса эди яхшироқ.

Шуни айтиш учун қувиб Йўлни тўсдим, кечиринг! Энди ўзим кўриб берай, Мотор ўтин учиринг.

Ўзимизга аён шу кун Буларимиз бўлаган. Дейдиларки, эр кишининг Уялгани-ўлагини.

Шундай деа кириб кетди Машинанинг тағига. Сўнгра чиқиб келса урди Орқа филдирагига.

Сехрланган одамлардек Турар эдик биз ҳайрон. Қарашайлик десак қўймас: «Фарғонага сиз - меҳмон.»

Сойиб Хўжаевман. Тоимла ўғри юрибди. Адрсининг биласизми, биласизми жуда яхши, тез келинлар. Бўлмас совиб қолади, - деди. Бир пайт таслаб турмух етиб келишини. Бошлагини: - Ақа, ўғри қаерга? - деб сўрабди. - Ўғри уйда, - деб хотиржам бошлаб кирибди. Ястилган дастурхонни кўрсатди: - Урток полковниклар, ҳеч қанақа ўғри йўқ, шунча паловни бир ўзим емайман, мана бу «Оқема» «қизил»лар билан, бир ўзим «отини» қилишга кучим етмайди, сизлар «мерган»-сизлар, бир отиш-воринлар деб, чақирдим-да, узур-узур... - Ажойибсизда, Соибжон ақа, «оқ»ма «қизил»ларни биз пақпақ отиб қулатганда, деб еб-ичиниб, кетаётганда шунча тез-тез телефон қилиб туринг - дейишган экан.

«Туркистон-пресс»

«МАНАЛЛА» газетаси таҳририяти жамоаси республикадаги хизмат кўрсатган маориф ходими, таҳририятнинг фаол жамоатчи муҳбири

Ҳафизулла ЙЎЛДОШЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдирилади.

МАНАЛЛА га

обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта деб ўйламанг.

МАНАЛЛА Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир хайъати: Шухрат ЖАЛИЛОВ Иброҳим РАХИМ Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб: Аслидин БҮРИЕВ Навбатчи: Олим БЕҒАЛИЕВ Саҳифаловчи: А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ. Буюртма Г-640

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тўшкент, Буюк Турон кўчаси, 41. Топшириқди—20.30